

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

АШИРОВ МАНСУР АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН АМИДО ҚОРА ВА СУЛЬФАРСАЗЕН ОРГАНИК
РЕАГЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА RV(II) ВА HG(II) ИОНЛАРИНИ
АНИҚЛАШНИНГ СОРБЦИОН – СПЕКТРОСКОПИК УСУЛИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аширов Мансур Алланазарович

Иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида Рb(II) ва Hg(II) ионларини аниқлашнинг сорбцион – спектроскопик усулини ишлаб чиқиш..... 3

Аширов Мансур Алланазарович

Разработка сорбционно-спектроскопического метода определения ионов Рb (II) и Hg (II) иммобилизованными органическими реагентами амидо чёрным и сульфарсазеном 21

Ashirov Mansur Allanazarovich

Development of sorption-spectroscopic method for the determination of Pb (II) and Hg (II) ions using immobilized amido black and sulfarsazene organic reagents ... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

АШИРОВ МАНСУР АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН АМИДО ҚОРА ВА СУЛЬФАРСАЗЕН ОРГАНИК
РЕАГЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА Pb(II) ВА Hg(II) ИОНЛАРИНИ
АНИҚЛАШНИНГ СОРБЦИОН – СПЕКТРОСКОПИК УСУЛИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2PhD/К177 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сманова Зулайхо Асаналиевна кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Султонов Марат Мирзаевич кимё фанлари доктори, доцент Қутлимуратова Нигора Хакимовна кимё фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет хиёбони, 15 уй, физика-кимё биноси, 3-кават, 305 хона Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет хиёбони, 15-уй. Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51, E-mail: m_nasrullayeva@mail.ru

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____да тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____даги _____ рақамли рестр баённомаси).

Насимов А.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Сайитқулов Ш.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Абдурахманов Э.А.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал миқёсда, сўнги йилларда илм-фан, ишлаб чиқариш ва саноат соҳаларининг ривожланиши, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида инсоннинг атроф-муҳитга таъсири сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бунинг натижасида атроф-муҳитга турли хил чиқиндилар шу билан биргаликда кўрғошин ва симоб ионларини чиқиши тирик организмларга ва атроф-муҳитга жиддий ҳавф туғдиради. Ушбу металл ионларининг миқдорини оқова ва ер усти сувларида таҳлилини олиб бориш экоаналитиклар олдида турган асосий ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аналитик кимёгарлар томонидан кўрғошин ва симоб ионлари билан турли хил комплекслар ҳосил қилувчи ташувчиларга иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантириш борасида кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Органик реагентларни толасимон ташувчиларга иммобиллашда аналитик фаол гуруҳларнинг таъсир этиш механизмини аниқлаш, комплекс ҳосил бўлишида функционал фаол гуруҳларга эга бўлган органик реагентларни танлаш ва янги усулларни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг турли объектларидан кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашда маҳаллий хомашёлар асосида олинган органик реагентлар ва полимер ташувчи моддалар ёрдамида юқори сезгирликка эга бўлган танлаб таъсир этувчан, тезкор замонавий усулларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам бугунги кунда ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг жадал ривожланиши натижасида атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш кўрсаткичларини ошиши, улар таркибидаги оғир металлларнинг назоратини олиб боришда янги иммобилланган органик реагентлар ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулларини яратишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, материалларнинг сифатини ва тозалик даражасини назорат қилиш, атроф-муҳит объектларининг назоратини олиб бориш учун берилган аналитик тавсифларга эга бўлган маҳаллий хомашё асосида олинган толасимон ташувчиларни мақсадли синтез қилиш ва уларга органик реагентларни иммобиллашдан иборат. Иммобилланган органик реагентлар ёрдамида турли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

хил чиқинди сувлар таркибидаги оғир металларни аниқлашда қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Харакатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини оптик усуллар билан жумладан, фотометрик ва спектрофотометрик ва электрокимёвий аниқлаш усуллари мавжуд бўлиб, бу усуллар билан олинган натижалар кўп ионларнинг ҳалақит бериши, айрим усулларнинг аниқлиги ва сезгирлигини юқори эмаслиги, анализда сарф харажатларининг кўплиги, қимматлилиги кузатилган.

Шунинг учун, замон талабларига жавоб берадиган янги, арзон, танлаб таъсир этувчан усулларни ишлаб чиқиш зарур. Бундай муаммони ҳал этишда кўпгина олимлар органик реагентларни ташувчиларга иммобиллаш, реакция механизмларини ўрганиш ва уларни анализда қўллашни таклиф қилганлар. Иммобилланган органик реагентлардан фойдаланишга асосланган янги қаттиқ фазали-спектроскопик усуллар сезгирлик, ишончлилиқ ва тезкорлик каби қўйиладиган талабларга жавоб беради. Бу йўналишда жуда кўп олимлар Clark K.T., Saxena R., Moad E., Kumar M., Lemos V.A., Брыкина Г.Д., Гавриленко Н.А., Лосев В.Н., Золотов Ю.А., Амелин В.Г., Саввин С.Б., Сангалов Ю.А ва бошқалар томонидан ташувчи қатлам сифатида турли силикагеллар, табиий цеолитлар, полиэтилен плёнкалар, целлюлоза нитрати, поликапроамидли гел мембраналар, модификацияланган кремнеземлардан фойдаланиладиган спектроскопик усуллар ишлаб чиқилган. Золотов Ю.А., Саввин С.Б., Мясоедова Г. М ва бошқалар томонидан саноат корхоналаридаги ва қазилма ҳолдаги нодир ва оғир металларни грануласимон ионитлардан фойдаланган ҳолда сорбцион-спектроскопик усуллар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда сорбцион-спектроскопик усуллар ёрдамида оғир ва заҳарли металларни аниқлаш билан Геворгян А.М., Насимов А.М., Абдурахманов Э., Джиянбаева Р.Х., Кабулов Б.Д., Шестерова И.П., Турабов Н.Т лар шуғулланган. Қаттиқ фазали ташувчиларда олиб бориладиган спектроскопик усулларда заҳарли эритувчиларни қўллаш талаб этилмайди ва

тахлилнинг хавфсизлигини таъминлайди. Бугунги кунда кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашнинг экспресс, сезгир, танлаб таъсир этувчанлиги юқори замонавий ва такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш устида илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф-7-48 (2017-2020 йй.) «Полимер материаллари юзасида иммобилизация қилинган металл нанозаррачаларининг фазавий ўзгариши механизмини ўрганиш», №А-12-53 «Экотоксикантларни атроф-муҳит объектларида фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар» (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини атроф-муҳит объектлари таркибидан аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

танланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларини ППД-1 ва ППА-1 сорбентларга иммобиллашнинг оптимал шароитлари (муҳитнинг таъсири, толаларнинг статик сифимлари) ва иммобилланиш механизмини аниқлашда иштирок этаётган органик реагентнинг аналитик ва функционал фаол ($-\text{SO}_3^-$, $-\text{N}=\text{N}-$, $-\text{OH}$) гуруҳлар таъсирини таҳлил қилиш;

янги ППД-1 ва ППА-1 толаларга иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларнинг кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари билан комплекс ҳосил қилишининг оптимал шароитлари: эритма кислоталилиги, Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуши, ҳалақит берувчи ионларнинг таъсирини аниқлаш;

ҳосил қилинган комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари, комплекс бирикма таркиби, комплекс ҳосил бўлиш механизмини аниқлашда квант-кимёвий ҳисоблаш, ИҚ ва нур қайтариш спектроскопиясининг танланган органик реагентнинг аналитик хоссалари билан боғлиқлигини аниқлаш;

ППД-1 ва ППА-1 толаларга иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини сорбцион-спектроскопик усулини ишлаб чиқиш ва аниқлигининг баҳоланиши;

ишлаб чиқилган кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулини турли модел, бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалар, оқова сувлар ҳамда саноат чиқиндилари анализига қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли хил атроф-муҳит объектлари, табиий ва чиқинди сув намуналари ва бошқалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли атроф-муҳит объектларини ифлослантирувчи кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари, уларнинг

бирикмалари, ПАН асосидаги янги ППА-1 ва ППД-1 толалар, турли хил функционал гуруҳ тутган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида оптик (фотометрия, спектрофотометрия, сорбцион-спектроскопия, нур қайтариш спектроскопия усули, рентгенофлуоресцент спектроскопия); математик статистика, элемент анализ, ИҚ-спектроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ППД-1 ва ППА-1 толаларга амидо қора ва сульфарсазен реагентларини иммобиллаш жараёнида ўзаро таъсирлашув моддалар таркибидаги аналитик фаол сулфо- гуруҳ ва толалардаги амид- гуруҳлари ҳисобига бориши аниқланган;

полиакрилонитрилнинг полиэтиленполиаминли модификациясига 4- ((4-(3-(2-арсано-4-нитрофенил) триаз-2-енил) фенил) диазенил) бензенсульфонат натрий (САА) ни, полиэтиленполиаминнинг дихлорэтанли модификациясига 4-амино-5-гидрокси-3-((Е)-(4-нитрофенил) диазенил)-6-((Е)-фенилдиазенил) нафталин-2,7-дисульфат натрий (АҚ) нинг иммобилланиш механизми ва мақбул шароитлари топилган;

кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен билан ҳосил қилган комплексларининг мол нисбатлари (1:1) эканлиги ва барқарорлик константалари Pb^{2+} $K_{бар}=1,39 \cdot 10^7$ ва Hg^{2+} $K_{бар}=1,33 \cdot 10^7$ аниқланган;

кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш учун иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлардан фойдаланиб сорбцион-спектроскопик усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашга асосланган экспресс, селектив ва сезгир сорбцион-спектроскопик усул ишлаб чиқилган ва метрологик ва аналитик тавсифлари яхшиланган ҳолда кўрғошин (II), симоб (II) ионларини атроф-муҳит объектлари (табиий, чиқинди ва ер усти сувлар) таркибидан аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган стандартлар асосида ўтказилган, қиёсий таҳлил, қўшимчалар қўшиш, «киритилди-топилди» усуллари, ҳамда стандарт намуналар билан таққосланган. Олинган натижалар математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, полимер ташувчилар ППА-1, ППД-1 ларга амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларини кислотали шароитда иммобиллаш аниқланган, уларни кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашда бегона ҳалақит берадиган ионларнинг таъсири камайтирилган. Иммобилланган органик реагентлар

ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш усулининг аналитик ва метрологик параметрларини яхшилангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларининг микроикдорларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усулини бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалар ҳамда атроф-муҳит объектлари (табиий, чиқинди ва ер усти сувлар) анализига қўллаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Сорбцион-спектроскопик усул ёрдамида табиий шароитда кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларининг кичик миқдорларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларининг иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида сувли муҳитларда сорбцион-спектроскопик аниқлаш усули «Навоийазот» АЖда амалиётга жорий этилган («Навоийазот» АЖнинг 2021 йил 19 июлдаги 01-8/5296-сон маълумотномаси). Натижада, руда ва шламларни қайта ишлашда кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларни аниқлаш сезгирлиги ва экспресслигини ошириш имконини берган;

симоб (II) ионларини ажратиб олиш усули «Ўзбекнефтгаз» АЖда амалиётга жорий этилган. («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2021 йил 23 июлдаги 727/GK-07-сон маълумотномаси). Натижада, чиқинди сувлар таркибида токсик металларнинг, айниқса симобни экспресс аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 9 та, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш рўйхати келтирилган, ишнинг нашр этилганлиги ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг «**Табиатда оғир ва захарли металллар. Қўрғошин ва симоб бирикмалари**» номли биринчи бобида қўрғошин ва симоб ионларини тарқалиши уларнинг табиатдаги токсикологик таъсири, келтириб чиқарадиган турли хил касалликлари ва шу билан биргаликда сорбцион-спектроскопик усуллар ёрдамида турли сорбентлар билан аниқлаш, табиатига кўра турлича бўлган сорбентлардан фойдаланиш, уларни сорбцион-спектроскопик ва визуал-тест усулларда қўлланилиши, оптик кимёвий сенсорларда ишлатилиши бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

Турли объектларда иммобилланган органик реагентлар ёрдамида оғир ва захарли металлларни аниқлаш натижалари тизимлаштирилди. Қайд этилдики, қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш учун органик реагентларнинг толасимон сорбентларга иммобилланиши етарлича тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашда ишлатиладиган асбоблар, материаллар ва реактивлар ҳамда эритмаларни тайёрлаш усуллари**» номли иккинчи бобида материаллар, асбоблар ва тадқиқот усуллари, қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларининг, органик реагентларнинг стандарт ва ишчи эритмаларини тайёрлаш, намуналарни танлаш ва уларни анализга тайёрлаш усуллари келтирилган. Тадқиқотда қўлланилган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларининг структура формулалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Органик реагентларнинг тузилиш формулалари

№	Номи	Брутто формуласи	Структур формуласи	Мг г/м
1.	1-Амино-2,7-бис [(п-нитрофенил) азо]-8-оксинафталин-3,6-дисульфокислота динатрий ли тузи	$C_{22}H_{14}N_6Na_2O_9S_2$		616,49
2.	4-((4-(3-(2-арсоно-4-нитрофенил) триаз-2-енил) фенил)диазенил) бензолсульфонат натрий	$C_{18}H_{14}AsN_6NaO_8S$		572,32

Диссертациянинг «**Амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларини толали сорбентларга иммобиллашнинг мақбул шароитларини танлаш**» номли учинчи бобида полимерлар кимёси кафедрасида маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган, арзон ПАН асосига модификацияланган, янги ППД-1 ва ППА-1 сорбентларига иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларини иммобиллашнинг мақбул шароитлари ўрганилди. Турли ташувчиларга амидо


қора ва сульфарсазен органик реагентларини иммобиллашнинг оптимал шароитлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Органик реагентлар иммобилланишининг мақбул шароитлари
($m_{\text{тола}} = 0,2000 \text{ г}$)

Реагент	Ташувчи	pH	Буфер аралашма ҳажми, мл	Ютилиш максимуми, нм	Вақт, мин
АҚ	ППД-1	3,0 – 7,0	5,00	620	5
САА	ППА-1	3,0 – 6,0	3,00	420	10


2-жадвалда келтирилган натижалардан фойдаланган ҳолда кейинги тадқиқотларда ППД-1 ва ППА-1 толаларга, келтирилган мақбул шароитларда органик реагентлар иммобилланди ва улар текшириладиган намуналар таркибидаги қўрғошин (Pb) ва симоб (Hg) ионларини аниқлаш учун қўлланилди.




1-расм. ППД-1 толага иммобилланган амидо қора органик реагентининг ютилиш спекри. Иммобиллашдан олдин (1), иммобиллашдан сўнг (2). ($C_R=0,001\text{M}$, $\lambda=620 \text{ нм}$, $\text{pH}=3$, $m_c=0,2000 \text{ г}$, $V_R=10\text{мл}$, $t=5 \text{ мин}$)



2-расм. ППД-1 толага иммобилланган амидо қора органик реагентининг нур қайтарилиш спекри. Иммобилланган амидо қора (1), тола (2) ($C_R=0,001\text{M}$, $\lambda=620 \text{ нм}$, $\text{pH}=3$, $m_c=0,2000 \text{ г}$, $V_R=10\text{мл}$, $t=5 \text{ мин}$)



3-расм. ППА-1 толага иммобилланган сульфарсазен органик реагентининг ютилиш спекри. Иммобиллашдан олдинги (1), иммобиллашдан сўнг (2). ($C_R=0,001\text{M}$, $\lambda=420 \text{ нм}$, $\text{pH}=4$, $m_c=0,2000 \text{ г}$, $V_R=10 \text{ мл}$, $t=10\text{мин}$)



4-расм. ППА-1 толага иммобилланган сульфарсазен органик реагентининг нур қайтарилиш спекри. Иммобилланган сульфарсазен (1), тола (2). ($C_R=0,001\text{M}$, $\lambda=420 \text{ нм}$, $\text{pH}=4$, $m_c=0,2000 \text{ г}$, $V_R=10 \text{ мл}$, $t=10\text{мин}$)

Юқорида келтирилган 1,2,3,4-расмларда эритмадаги ва иммобилланган шароитдаги амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларнинг нур

ютилиш ва нур қайтариш спектрларининг таҳлили қилинганда уларнинг нур ютилиш ва нур қайтариш спектрларида ўзаро ўхшашлик борлиги кузатилди. Органик реагентларнинг турли муҳитларда амидо қора органик реагентини толага иммобиллаш $pH=3$ га тенг бўлган муҳитда, сульфарсазен органик реагенти $pH=4$ га тенг бўлган муҳитда толаларга тўлиқ иммобилланади, чунки бошқа муҳитларда иммобилланишга қайтар жараёнлар кечеди ва натижада керакли натижага эришишнинг имконияти бўлмайди.

Ўрганилган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларининг турли хил ФФГ ва АФГ ларни иммобилланишга таъсири ўрганилган вақтда аниқландики, ППД-1 ва ППА-1 толаларга иммобилланган органик реагентларнинг функционал фаол (-ОН, $-NH_2$, $>NH$) гуруҳлари ўзининг танлаб таъсир этувчанлик хусусиятларини сақлаб қолади.

Бу гуруҳлар ИҚ ва квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида аниқланди ва олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен реагентлар, Pb^{2+} ва Hg^{2+} ионлари комплексларининг характеристик частоталарини ИҚ – спектрларда акс этиши

Гуруҳлар (ФФГ, АФГ)	Тола ППД-1 ν cm^{-1}	R_{AK} ν cm^{-1}	ИМАҚ ν cm^{-1}	ИМ: $R+Pb^{2+}$ ν cm^{-1}	Тола ППА-1 ν cm^{-1}	R_{CAA} ν cm^{-1}	ИМСАА ν cm^{-1}	ИМ: R $+Hg^{2+}$ ν cm^{-1}
-C=N-	1662	-	1678	-	1669	-	1682	-
=N-H	1560	-	1573	-		1340	-	1379
-OH	-	3414	-	3471	-	3402	3422	3400
-N=N-	-	1455	1455	1451	-	1426	1446	-
-SO ₃ ⁻	-	1283	-	-	-	1194	-	-
-O-Na	-	538	531	-	-	573	517	-
-NH ₂	-	3058	-	-	-	-	-	-
-As=O	-	-	-	-	-	846	-	-
-O-Me	-	-	-	417	-	-	-	524


Амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларининг иммобиллаш натижасида ҳосил бўладиган бирикмаларнинг қайси функционал гуруҳлар ҳисобига бориши ва уларнинг металл ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг тузилиши, уларни ташувчига иммобилланиш механизми ИҚ-спектрларида олинган натижалардан таҳлил қилинди. ИҚ-спектрлари «Perkin-Elmer 16F PC IR spectrophotometer» асбобида $400 - 4000$ cm^{-1} частоталар интервалида олинган. Амидо қора реагент: 3414 - cm^{-1} ютилиш соҳаси ароматик ҳалқадаги -ОН гуруҳига хос, асосий амин гуруҳи $-NH_2$ 3058 cm^{-1} ютилиш соҳада намаён бўлади. Эркин лиганддаги $-N=N-$ гуруҳи 1487 cm^{-1} соҳада ютилиш частотасини ҳосил қилади. -ОН гуруҳи тутган ароматик ҳалқа 1455 cm^{-1} , $755-859$ cm^{-1} ютилиш соҳаларда частоталар намаён бўлган. Лиганд намунасидаги 2 ёки 3 алмашинувчан бирикмалардаги $-C=C-$ асосий лигандда 1606 cm^{-1} , $935-912$ cm^{-1} соҳаларда ютилиш кузатилди. Ароматик ҳалқадаги 2 та сульфонатрийли $-SO_2-O-R$ гуруҳлар $1283-1170$ cm^{-1} ва $-O-Na$ боғлар 538 cm^{-1} да ютилиш соҳаларига эга. Асосий ўзгаришлар $1455 - 1330$ cm^{-1} , $859 - 755$ cm^{-1} , 643 cm^{-1} , 538 cm^{-1} ютилиш соҳаларида кузатилди.

Сульфарсазен органик реагенти таркибидаги аналитик актив ва функционал фаол гуруҳларнинг ютилиш соҳалари 3402 см^{-1} да $-\text{OH}$ гуруҳига тегишли бўлган валент тебранишлар ҳисобига юзага келган ютилиш максимумлари кузатилади. 1515 см^{-1} соҳада $-\text{NO}_2$ гуруҳга тегишли деформацион тебранишли ютилиш полосаларини, 1340 см^{-1} соҳада ароматик ҳалқа ва $-\text{N}=\text{N}-$ гуруҳ билан боғланган $-\text{NH}-$ гуруҳга тегишли ютилиш максимумларини, $1194\text{--}881\text{ см}^{-1}$ соҳаларда $-\text{SO}_3^-$, 573 см^{-1} соҳада эса $-\text{ONa}$ га хос бўлган ютилиш максимумлари кузатилади. $-\text{N}=\text{N}-$ гуруҳлари $1450\text{--}1426\text{ см}^{-1}$ соҳаларда деформацион тебранишлар кузатилади. Тола таркибидаги хлорли шаклдаги имин гуруҳи органик реагент таркибидаги сульфо гуруҳ билан боғланган ҳолатда $538\text{--}1283\text{ см}^{-1}$, $573\text{--}517\text{ см}^{-1}$ 1194 см^{-1} полосаларининг камайиши улар ўртасида боғ ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Имобилланган органик реагентлар металл ионлари билан таъсирлашганда органик реагентлар таркибидаги $-\text{OH}$, $-\text{N}=\text{N}-$, $>\text{NH}$ иккиламчи амино гуруҳларга тегишлича соҳаларда $3414\text{--}\text{см}^{-1}$, 1487 см^{-1} , $1194\text{--}881\text{ см}^{-1}$ ўзгаришлар кузатилди.

Органик реагентларнинг ИҚ-спектрларида ФФГ ($-\text{OH}$, $>\text{NH}$) ва АФГ ($-\text{SO}_3\text{Na}$; $-\text{N}=\text{N}-$) гуруҳларида чизиқларнинг батохром силжиши $22\text{--}57\text{ см}^{-1}$ кузатилади, бу эса органик реагентнинг имобилланиш ва металл ионларининг комплекс ҳосил бўлиши тахмин этилган механизмларини исботлаб беради.

Қўлланилган амидо қора ва сульфарсазен реагентлар таркибидаги электрон зичлиги энг катта бўлган иккиламчи аминогуруҳ ва гидроксил гуруҳи ион боғ ҳосил қилади. Амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларини кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари билан эритмада ҳосил қилган комплексларининг нур ютилиш спектрларида ва ташувчига имобилланган амидо қора ва сульфарсазен реагентларининг кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг нур қайтариш спектрлари битта соҳада максимумларнинг кузатилиши, комплекс ҳосил қилган металл ионлари бир хил функционал фаол гуруҳлар ҳисобига бирикишини кўрсатади. Имобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлар ва улар ҳосил қилган комплексларнинг нур қайтариш спектрларида нисбатан $10\text{--}20\text{ нм}$ га силжиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳодисаларни кузатилишига сабаб ташувчида комплекс молекулаларини тебранма ва айланма ҳаракатлари йўқлигини кўрсатади, яъни фазовий тўсиқлар туфайли каттиқ молекуляр таянчга боғланганлигидир.


Квант-кимёвий ҳисоблаш (ORCA дастури, B3LYP/def2-TZVP) дастури ёрдамида қўлланилган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларнинг электрон тузилишлари ўрганилди. Имобилланиш жараёнида органик реагентларнинг АФГ ва металл ионлари билан комплекс ҳосил қилишда иштирок этадиган ФФГ электрон зичликлари аниқланди. Таҳлиллар натижасида толанинг имин гуруҳига боғланган хлор иони, электростатик потенсиали юқори бўлган реагент таркибидаги сульфо гуруҳидаги энг ҳаракатчан натрий атоми билан боғланиб толага органик реагент боғланади ва схема бўйича реакцияга киришиши аниқланди:




Кислотали ва кучсиз ишқорий муҳитларда органик реагентларнинг протонланиши натижасида электрон жуфтнинг электростатик тортилиши ҳисобига координацион боғ ҳосил бўлади. Танлаб олинган органик реагентлар таркибида азот, кислород атомлари тутган бир нечта потенциал марказлар мавжуд, улар металл ионлари билан юқори электростатик тортишиш хусусиятига эга.

Квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида реакция қобилияти юқори бўлган танлаб олинган органик реагентлар таркибидаги фаол донор атомларнинг ва молекуладаги донор марказларнинг электрон зичликларини тақсимланиши аниқланди.

Маълумки, электростатик потенциал сатҳи молекулаларнинг, айниқса, ковалент боғланмаган таъсирлашувлар учун реакция марказларни аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиб, молекуланинг нуклеофил ва электрофил марказларини кўрсатади. 5-6 расмларда амидо қора ва сульфарсазенга тегишли ЭСП сатҳининг минимум ва максимум соҳалари келтириб ўтилган. Қизил сферик чизиқ ЭСП сатҳининг минимум соҳаси бўлиб, электронларга бой соҳа ҳисобланади. Ҳаворанг сферик чизиқлар ЭСП сатҳининг максимум соҳаси бўлиб, электронга тақчил соҳаларни кўрсатади.




5-расм. Амидо қора органик реагенти молекуласининг ЭСП максимум ва минимумлари. Қизил сферик чизиқлар ЭСП минимумларини, ҳаворанг сферик чизиқлар эса ЭСП максимумларини ифодалайди.




6-расм. Сульфарсазен органик реагенти молекуласининг ЭСП максимум ва минимумлари. Қизил сферик чизиқлар ЭСП минимумларини, ҳаворанг сферик чизиқлар эса ЭСП максимумларини ифодалайди.

Иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ва уларнинг кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари ҳосил қилган комплексларининг тузилиши ИҚ-спектрларидан ва квант кимёвий ҳисоблашлардан олинган натижалар асосида тахминий тузилиш формулалари 7-8 расмларда келтирилди.




7-расм. ППД-1 толага иммобилланган амидо қора




8-расм. ППА-1 толага иммобилланган сульфарсазен

Диссертациянинг «Кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини иммобилланган органик реагентлар билан комплекс ҳосил қилишининг оптимал шароитларини танлаш» номли тўртинчи бобида иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентларнинг кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида оптимал шароитлар (оптимал тўлқин узунлиги, эритма кислоталилиги, температура, вақтнинг) таъсирлари ўрганилди.




9-расм. Амидоқора ва сульфарсазен органик реагентлари ва уларнинг металл ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг нур ютилиш спектрлари: 1-амидо қора, 2-кўрғошинли комплекси, 3-сульфарсазен, 4-симобли комплекси

Келтирилган ютилиш спектрлари бўйича амидо қора органик реагенти Pb^{2+} иони билан ҳосил қилган комплексининг максимал нур ютилиш соҳаси 490 нм да, амидо қора органик реагенти 620 нм соҳада ютилиш спектрларини ҳосил қилади, сульфарсазен органик реагенти Hg^{2+} билан ҳосил қилган комплекснинг максимал нур ютилиш соҳаси 520 нмда, органик реагентининг нур ютилиши эса 420 нм да кузатилди.




10-расм. Комплекс ҳосил бўлишининг рН га боғлиқлиги. (рН=3-5; Pb²⁺)




11-расм. Комплекс ҳосил бўлишининг рН га боғлиқлиги. (рН=9,5-10,5; Hg²⁺)

10-11-расмлардан кўришиб турибдики, кўрғошин (II) иони амидо қора органик реагенти билан рН=3.0 да, симоб (II) иони сульфарсазен органик реагенти билан рН=9.5-10,5 га тенг бўлган шароитда комплекс бирикмалар ҳосил қилади.



a

12-расм. *a*) ППД-1 тола (1), амидо қора органик реагенти (2), Pb²⁺ иони билан ҳосил қилган комплекси (3) нинг нур қайтариш спектрлари



б

13-расм. *б*) ППА-1 тола (1), сульфарсазен органик реагенти (2), Hg²⁺ иони билан ҳосил қилган комплекси (3) нинг ютилиш спектрлари.

Иммобилланган сульфарсазен ва амидо қора органик реагентлари ва уларнинг кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари билан ҳосил қилган комплексларнинг нур ютилиш, нур қайтарилиш спектрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 9-12-13 расмларда келтирилган спектрларда ўхшашлик кузатилади. Ёруғликнинг ютилиш максимумларини батоҳром ва гипсоҳром силжиши, реагентларни турли муҳитларда турлича диссоциланиши билан боғлиқ экан, кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш учун реакцияни кучли кислотали ва кучсиз ишқорий муҳитда олиб бориш лозим, чунки бошқа муҳитларда қайтмас жараёнлар кечади ва натижада керакли аналитик сигнални олиш имконияти бўлмайди. Комплекс ҳосил бўлишига вақтнинг, ҳароратнинг таъсири ўрганилганда амидо қора кўрғошин (II) иони билан симоб (II) иони сульфарсазен билан ҳосил қилган комплекслари 25±5⁰С да, 5-10 минутда тўлиқ комплекс ҳосил қилади.

Ҳосил қилинган комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари ҳисоблаб топилди ва ортиб бориш қатори келтирилди. Қуйидаги $Pb > Hg$ кетма-кетлик бўйича комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари ошиб бориш қатори топилди: $1,39 \cdot 10^7 > 1,33 \cdot 10^7$. Комплекс бирикманинг таркибий қисми изомоляр қатор, тўйиниш, Асмус усуллари билан эритмада аниқланди.

4-жадвал

Иммобилланган реагент ва металл иони билан комплексларнинг спектроскопик тавсифлари ва шартли барқарорлик константалари

Комплекснинг таркибий қисмлари	Компонентларнинг моляр нисбати Ме: R			$\epsilon_{\text{ҳақ}} \cdot 10^4$	$pK_{\text{бек}} (-\lg \beta)$
	Изомоляр сериялар усули	Тўйиниш усули	Асмус усули		
Pb (II): АҚ	1:1	1:1	1:1	3,2	3,19
Hg (II): САА	1:1	1:1	1:1	2,4	3,65

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларининг амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини барқарорликлари, моляр сўндириш коэффициентлари қийматининг ортиб бориши органик реагент таркибидаги ФФГ ларнинг ААГ ларнинг табиатига боғлиқ.

Ишлаб чиқилган усулнинг аниқлигини баҳолаш мақсадида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен реагентлари ёрдамида аниқлашнинг оптималлаштирилган шароитларида градуировкали графиклари тузилди.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашни сорбцион-спектроскопик усулининг аналитик қўлланилиши» номли бешинчи бобида сорбцион-спектроскопик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича натижалар келтирилган.

5-жадвал

Кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида ҳосил қилган комплексларининг спектрал тавсифлари

Таркибий қисмлар	pH	$\lambda_{\text{мақ}}, R$	$\lambda_{\text{мақ}}, \text{КОМП}$	$\Delta\lambda$	$\epsilon \cdot 10^4$	$C.c, 10^{-4} \text{ МКТ/МЛ}$
ППД-1: АҚ: Pb^{2+}	3,0	620	490	130	3,5	2,86
ППА-1: САА: Hg^{2+}	9,5-10,5	420	520	100	7,5	1,1

5-жадвал натижалари иммобилизация реакция контрастлиги ($\Delta\lambda$) ва сезгирлигининг (ϵ) ошишига олиб келганлигини кўрсатади.

Кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини индивидуал эритмаларда аниқлаш учун «киритилди-топилди» усулидан фойдаланилди, олинган натижалар киритилган миқдорларга мос келади, нисбий стандарт четланиш 0,33 дан ошмайди. Бу ишлаб чиқилган усулларнинг тўғрилиги ва қайта тикланувчанлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усулларни қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини реал объектларда аниқлашда қўллаш имкониятларини топиш учун бинар, учламчи ва мураккаб модел аралашмалар тайёрланди. Қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини индивидуал ва сунъий аралашмалар ва реал объектларда аниқлаш натижалари 6 ва 9-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Сунъий аралашмаларда қўрғошин (II) ионини ИМАҚ органик реагенти ёрдамида аниқлаш натижалари [$\lambda=490$ нм, pH=4-6, P=0,95; n=5]

Анализ қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилган Pb ²⁺ , мкг $\bar{X} \pm \Delta\bar{X}$	S	S _r
Pb(10)+Cd(2,0)	9,95 ± 0,18	0,160	0,016
Pb(20)+Co(5,0)+Ni(5,0)	19,89 ± 0,22	0,188	0,009
Pb(20)+Fe(10,0)+Ni(10,0)	19,87 ± 0,23	0,199	0,010
Pb(20)+Cd(20,0)+Mn(5,0)+Cu(10,0)	19,82 ± 0,36	0,316	0,016
Pb(25)+Cu(20,0)+Mn(10,0)+Fe(15,0)	24,91 ± 0,25	0,217	0,009
Pb(40)+Cr(50,0)+Hg(1,0)+Cd(30,0)	39,83 ± 0,24	0,205	0,005
Pb(50)+Ni(30,0)+Cu(1,5)+Zn(10,0)+Cd(5,0)	49,84 ± 0,19	0,163	0,003

7-жадвал

Симоб (II) ионларини ИМСАА органик реагенти ёрдамида бинар, учламчи ва мураккаб аралашмаларда аниқлаш натижалари [$\lambda=520$ нм, pH=9,5-10,5; P=0,95; n=5]

Анализ қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилган Hg ²⁺ , мкг $\bar{X} \pm \Delta\bar{X}$	S	S _r
Hg(10)+Pb(2,0)	10,28 ± 0,23	0,198	0,019
Hg(10)+Cd(5,0)+Al(15,0)	9,91 ± 0,16	0,141	0,014
Hg(20)+Fe(50,0)+Ag(50,0)	19,77 ± 0,28	0,246	0,012
Hg(20)+Cd(30,0)+Pb(5,0)+Cu(10,0)	19,79 ± 0,22	0,185	0,009
Hg(30)+Cu(20,0)+Mn(10,0)+Fe(15,0)	29,91 ± 0,19	0,166	0,006
Hg(40)+Cr(50,0)+Pb(1,0)+Cd(30,0)	39,94 ± 0,24	0,210	0,005
Hg(40)+Ni(30,0)+Cu(0,5)+Zn(10,0)+Cd(5,0)	39,93 ± 0,203	0,177	0,004

Ишлаб чиқилган усуллар саноат корхоналари чиқинди сувлари намуналари таркибидаги қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш таҳлилида қўлланилган.

Илмий тадқиқотлар асосида иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен органик реагентлари ёрдамида қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашда ишлаб чиқилган янги сорбцион-спектроскопик усуллар Навоийазот, Хоразм Бахмал, Бухоро текстил саноат корхоналари чиқинди сувлари таҳлилида қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилди.

8- жадвал

Чиқинди сувда Pb (II) ионларини аниқлаш натижалари

[Pb²⁺ = 0,157 мг/л; Pb²⁺ = 0,178 мг/л; P=0,95; n=5]

№	Объектлар	Pb ²⁺			
		Ишлаб чиқилган усул			ГОСТ усул*
		$\bar{X} \pm \Delta\bar{X}$	S	Sr	Sr
1	Навоийазот чиқинди суви Pb ²⁺ = 7,85 мкг/мл;	7,83±0,020	0,0164	0,002	0,0018
2	Хоразм Бахмал МЧЖ Pb ²⁺ = 7,12 мкг/мл;	7,10±0,022	0,019	0,003	0,0027
3	Бухоро текстил Pb ²⁺ = 6,35 мкг/мл;	6,34±0,024	0,021	0,003	0,0032

- ГОСТ усул сифатида қўрғошин ва симобни атом-абсорбцион аниқлаш усули олинган.

9-жадвал

Чиқинди сувда Hg (II) ионларини аниқлаш натижалари

[Hg²⁺=0,0025 мг/л; P=0,95; n=5]

№	Объектлар	Hg ²⁺			
		Ишлаб чиқилган усул			ГОСТ усул*
		$\bar{X} \pm \Delta\bar{X}$	S	Sr	Sr
1	Навоийазот чиқинди суви Hg ²⁺ = 1,25 мкг/мл;	1,22±0,033	0,029	0,024	0,0018
2	Хоразм бахмал МЧЖ Hg ²⁺ = 1,12 мкг/мл;	1.11±0,024	0,0035	0,0012	0,0027
3	Муборақгаз Hg ²⁺ = 2,33 мкг/мл;	2,31±0,026	0,023	0,010	0,0032

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усул, адабиётларда келтирилган, саноатда қўлланиладиган усуллар билан солиштирилди ва уларнинг рақобатбардошлилиги кўрсатиб берилди.

ХУЛОСА

1. ППД-1 ва ППА-1 толаларга амидо қора ва сульфарсазен реагентларининг иммобилланиши кислотали муҳитда «аналитик фаол - сульфо- гуруҳ ва толалардаги имин» гуруҳлари ўртасидаги кимёвий боғ ҳисобига амалга ошади ва мазкур реагентлар қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлаш учун тавсия этилди.

2. Қўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини амидо қора ва сульфарсазен

реагентлари билан иммобилланган толалар ёрдамида аниқлашнинг Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуши 4-50 мкг/мл оралиғида бўлиши ва уларни аниқлашга Cu(II), Cd (II), Mn (II), Ni (II), Co (II), Zn (II), Mg (II) ионлари 100 мкг/л концентрациягача ҳалақит бермаслиги исботланган.

3. Толаларга иммобилланган амидо қора ва сульфарсазен реагентлари билан кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари ҳосил қилган комплексларнинг ИҚ спектрларида $-\text{OH}$, $-\text{SO}_3\text{Na}$, $-\text{N}=\text{N}-$ гуруҳлар учун максимумлар силжишининг кузатилиши, мол нисбати 1:1 эканлиги ва барқарорлик константалари қиймати $\text{Pb(II)} > \text{Hg(II)}$ қаторида ошиб бориши исботланган.

4. Кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усулининг аниқлиги математик статистика усули ёрдамида аниқланган ва қуйи аниқлашниш чегараси Pb^{2+} иони учун 0,3 мкг/мл, Hg^{2+} иони учун 0,1 мкг/мл га тенглиги исботланган.

5. Кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектроскопик аниқлаш усули ишлаб чиқилди, олинган натижаларнинг нисбий стандарт четланиш қиймати 0,33 дан ошмаган ҳолда модел, бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалар анализига қўллаш тавсия этилди.

6. Иммобилланган реагентлар ёрдамида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлашнинг янги усули бошқа усулларнинг метрологик, эксплуатацион тавсифлари билан солиштирилди ва афзаллиги кўрсатиб берилди. Ишлаб чиқилган усул «Навоийазот» марказий кимёвий - аналитик лабораторияси ва «Муборак газни қайта ишлаш заводи» кимёвий экоаналитика лабораторияларида синовдан ўтди ва таркибида кўрғошин (II) ва симоб (II) ионлари бўлган объектлари анализига қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА

АШИРОВ МАНСУР АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОРБЦИОННО-СПЕКТРОСКОПИЧЕСКОГО МЕТОДА
ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИОНОВ Pb (II) И Hg (II)
ИММОБИЛИЗИРОВАННЫМИ ОРГАНИЧЕСКИМИ РЕАГЕНТАМИ
АМИДО ЧЁРНЫМ И СУЛЬФАРСАЗЕНОМ**

02.00.02 - Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2PhD/К177.

Докторская диссертация выполнена в Хорезмская академия Маъмуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Сманова Зулайхо Асаналиевна доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султонов Марат Мирзаевич доктор химических наук, доцент Кутлимуратова Нигора Хакимовна доктор химических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, физико-химический корпус, 3-й этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № _____. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 г)

Насимов А.М.

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Сайиткулов Ш.М.

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.х.н., доцент

Абдурахманов Э.А.

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. За последние годы в результате внедрения в производство новых технологических процессов, развития науки, производства и промышленности, значительно возрастает воздействие человека на окружающую среду в глобальных масштабах. В результате этого различные отходы, попадающие в окружающую среду и выделяющиеся вместе с ними ионы свинца и ртути, представляют серьезную опасность для живых организмов и окружающей среды. Проведение анализов по определению ионов этих металлов в сточных и поверхностных водах, является одной из главных и неотложных задач, стоящих перед экоаналитиками.

В мире химиками-аналитиками проводится широкий спектр научных исследований по разработке и развитию сорбционно-спектроскопических методов определения с использованием иммобилизованных на носителях органических реагентов, образующих различные комплексы с ионами свинца и ртути. Одной из актуальных задач является выявление влияния аналитически активных групп на иммобилизацию реагентов на волокнистые носители, выбор органических соединений с функционально-активными группами, участвующими в комплексообразовании и создание новых методов. При определении ионов свинца и ртути (II) из различных объектов окружающей среды особое значение имеет разработка селективных современных методов с высокой чувствительностью, с помощью органических реагентов и полимерных носителей, полученных на основе местного сырья.

В результате стремительного развития производства и промышленных предприятий в нашей республике увеличивается влияние загрязнения на объекты окружающей среды, поэтому для контроля количества содержащихся в них тяжелых металлов, растет спрос на создание сорбционно-спектроскопических методов обнаружения ионов свинца (II) и ртути (II) с помощью новых иммобилизованных органических реагентов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи «по дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности за счет перевода высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, в первую очередь - производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, на качественно новый уровень»². В связи с этим данная работа заключается в целенаправленном синтезе иммобилизованных реагентов на волокнистые носители, полученных на основе местного сырья, которые используют для контроля качества и степени чистоты материалов, контроля объектов окружающей среды. Огромное значение имеет использование иммобилизованных органических реагентов

² Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан" № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

для определения свинца (Pb) и ртути (Hg), содержащихся в различных сточных водах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» от 3 апреля 2019 года, УП-5953 «О государственной программе по реализации в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» от 2 марта 2020 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике VII. «Химия, химическая технология и нанотехнология».

